O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
PISKENT TUMAN
HOKIMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ПИСКЕНТ ТУМАН
ҲОКИМИ

РЕШЕНИЕ
ҚАРОР

Пискент т. № 642 "26" сентябрь 2020 йил

Пискент туманидаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларига йўл белгиларини ўрнатишга рухсат бериш тўғрисида

Пискент тумани марказини кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг ҳаракатланишида тирбандликлар юзага келишининг олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан туман йўллардан фойдаланиш унитар корҳонаси раҳбари Р.Худойбердиевнинг ҳамда туман Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи Қ.Ёқубовнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда), "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонуннинг 7, 20-моддалари (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2007 йил, 40-сон, 410-модда), 2013 йил 10 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 348-сонли қонуни (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2015 йил 15-сон, 197-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҲҚ, 2015 йил 12-сон 109-модда)ларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корҳонасининг 2020 йил 28 августдаги 03/1-233-сонли мурожаати, туман Ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмасининг 2020 йил 24 августдаги ёзма кўрсатмалари инобатга олинсин.

2. Туман йўллардан фойдаланиш унитар корҳонаси (Р.Худойбердиев)га мазкур қарорнинг иловасида кўрсатилган автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат берилсин.

3. Туман Ички ишлар бўлими (Ш.Милиев)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилиниши ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур қарор расмий матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати (М.Рустамова) қарорни “Пискент ҳаёти” газетасида нашр этилиши, ҳокимлик расмий веб сайтига жойлаштирилиши таъминласин.

6. Қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Исакулов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими в.б. **Р.Рихсиев**

ASLIGA TOG'RI